

ЁЗЁВОН ТУМАНИДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга Ёзёвон тумани Юқори Сойбўйи МФЙ ҳудудида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида қурилиш ишларининг бориши билан танишди.

Жами 948 та хонадондан иборат 33 та 5 ва 7 қаватли тураг-жойлар, 420 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 990 ўринли мактаб, 3,8 гектар майдонда яшил боғдан иборат замонавий шаҳарсозлик талаблари асосидаги ушбу мажмуа, тумандаги аҳолининг уй-жой шароитини яхшилашга хизмат қиласи. Массивда хусусий клиника, умумий овқатланиш шахобчаси, Ёшлар маркази ва тантаналар уйи қурилиши режалаштирилган. Туташ ҳудудда эса кичик саноат зонаси ташкил этиш кўзда тутилган.

Хозирги кунда 33 та тураг-жой биноларидан 8 тасида қурилиш ишлари олиб борилмоқда, дастлабки бинода хонадонлар яшашга тайёр ҳолатга келтирилди. Қолган лотларда ҳам қурувчиликлар аниқланган бўлиб, пойдевор ишлари бошланмоқда. Ижтимоий муассасалар қурилиши ҳам белгиланган режа асосида давом этмоқда.

Туман мутасаддилари ҳамда қурувчи ташкилотлар раҳбарлари билан мулоқот қилган вилоят ҳокими, қурилиш ишларини жадал ва сифатли амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берди, ҳудудда ободонлаштириш ишларини бошлиш бўйича туман ҳокимига вазифалар белгилади.

Хайрулло Бозоров ва вилоят секторлари раҳбарлари массив ҳудудидаги яшил боғда кўчат экиш тадбирида ҳам иштирок этдилар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-12-01 21:37:28